



Оила курмай, хаётини факат кариндош уруглар дийдори, дўстлар, ижодкорлар давраси, салтанат, ижоду илм ташвишлари ила ўтказган юксак тафаккур сохибининг хажга боришдек буюк орзуси амалга ошмади. Шунингдек, ул зотнинг Хоразмга бориш орзуси ҳам армон бўлиб қолди.

1469 йилда Хуросон тахтига чиққан Хусайн Бойкаронинг тожу тахт учун курашга кирган давлари хавф-хатарга тўла кечган. Негаки, у 1465 йилдан бошлаб ҳукмдорликка эришиш мақсадида кураш майдонига қўшилган, аммо омадсизликлар, мағлубиятлар сабабли кўп вақтини қочкинликда, туркман чўллари ва Хоразмда ўтказган эди. Бойкаро Хоразмнинг Вазир, Урганч, Адок ва Тирсак шаҳарларида бўлиб, ўзига содик навкарлар тўплади ҳамда 31 ёшида Абу Саидни тахтдан кулатиб, Хуросон ҳукмдори даражасига эришди.

Хоразмда кўп вақтини ўтказган Хусайн Бойкаро у ердаги вазият, кишлоқ, шаҳарлар ҳолати, урушлар туфайли хонавайрон бўлган воҳа ахлининг кайфиятидан яхшигина хабардор бўлган. Ўша вақтда Хуросонга қарашли бўлган Хоразмда тикланиш ишларини олиб бориш учун ўзига содик, катъиятли, ташаббускор инсонни у ерга ҳоким қилиб юбориш зарур эди.

Бойкаро ана шундай фазилатларга эга инсон сифатида дўсти Алишербекнинг акаси — сарой девонида хизмат қилаётган Бахлулбекни танлади. Шу тариқа исломий илмларни мукамал билганидан шайх даражасини олган Бахлулбек Хоразм ҳокими қилиб тайинланди.

Хуросон давлатининг вазири бўлиб ишлаётган Навоий ҳазратларига ҳам бу воқеа хушнудлик бахш этди. Зеро, у бу мафтункор ўлкага боришни ёшлиқдан орзу қилар, энди давлат ишлари билан ёхуд қариндошчилик ришталари сабабли орзуси ушалишига ишонарди. 1465-69 йилларда Алишербек Самарқандда таҳсил олиб, ҳаёт кечирганида, таътил пайтлари Хоразмга бормокчи бўлган, аммо бунинг қулай пайти, иложи топилмаганди. Самарқандда илм олаётган Хоразмлик талабалар билан Хоразм тўғрисида, у ерга бориш тўғрисида суҳбатлашавериб, Алишербек бир қуни туш қўради. Хондамирнинг ёзишига қўра, тушида Навоий ҳазратлари Мирзо Муҳаммад Хоразмшоҳ билан тоққа чиқибди. Хоразмшоҳ бир қатта тош устига қадам қўйиб, Навоийнинг қўлидан ушлаб, унинг ўша баланд тош устига чиқишига қўмаклашган экан.

Орадан йиллар ўтди. Салтанат ишлари қўпайиб, Навоий ҳазратлари ижоду илм билан

шугулланай дея, 1476 йилда вазирлик лавозимидан истеъфога чикди. Бу пайтда у акаси Бахлулбекнинг невараси Мир Иброхимни, оила курмагани туфайли ўзига ўгил қилиб олганди. Кейин Мир Иброхимнинг отаси — Хиротдаги подшо саройида хизматда бўлган Камолиддин Хоразмга — отаси Бахлулбек ёнига ишга юборилади. Шундан сўнг Навоий хазратлари Мир Иброхимни онасининг илтимосига биноанг бобоси Бахлулбек ёнига жўнатади. Навоий шеърлар битаётган жияни Мир Иброхимни, акаси Бахлулбекни кўриш ниятида кейин ҳам Хоразмга бормокчи бўлди. Аммо...

1476-1486 йиллар орасида у тинмай ижод қилгани туфайли бунга вақт топа олмади. Негаки, Навоий бу даврда «Наводир-ун-нихоя» девонини, беш дostonдан иборат «Хамса»сини, кўплаб газалларини ёзди. Колаверса, давлат вазифасидан бўшаганига қарамай, дўсти Бойқаронинг илтимосига кўра, салтанатдаги ва шахзодалар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш билан машгул бўлди. Бундан ташқари, укаси Дарвешалибек Балхга ҳоким бўлиб кетгани боис, Навоий Хиротдаги отасидан ёдгор бўлиб қолган уйнинг чирогини ёқиб ўтирди. Учала ака-укага Гиёсиддин Кичкинадан мерос бўлиб қолган мол-мулкидан хабар олиш ҳамда ўзининг Хиротдаги кўплаб боғу-роғ, ер, савдо расталарига қараб туриш ҳам керак эди. Шунингдек, Навоий Хуросоннинг кўплаб жойларида меъморий обидалар, масжид, мадрасалар қурдириш ишлари билан бандлиги туфайли ҳам, Хоразмдаги акаси ҳамда жиянларининг ёнига боришга вақт топа олмади. негаки, Хоразм вилояти Хиротдан анча узок бўлиб, бориб келишга бир неча ойлаб вақт кетарди. Пойтахтдаги бунёдкорлик ишларини эса қечиктириб бўлмасди. Шунга қарамай, Навоий хазратлари Хоразмга алоҳида меҳр билан қаради. Жиянлари Камолиддин, Мир Иброхим Хиротга келганларида уларни ҳушнудлик билан қутиб олди, уларнинг Хоразмдан олиб келган совгаларини қувонч билан қабул қилди. У воҳадаги ҳаёт, урф-одатлар, маданий вазият, акаси Бахлулбек қилаётган ишларни суриштирар, гоҳида давлат ишлари боис, Бахлулбек Хиротга келганида маслаҳатлар бериб турарди. Шу тариқа Бахлулбек укаси Алишербекнинг Хиротда амалга ошираётган бунёдкорлик ишларини Хоразмда ҳам қилиб, кўплаб иншоотлар барпо эттирди, сув йўллари, ёп (арик)лар қаздирган. Навоий хазратлари эса акаси ва жиянларидан эшитганларидан таъсирланиб, назмий асарларида Хоразм, Жайхун ҳақида фикр юритади:

Завроқ ичра ул қуёш сайр айламас — Жайхун аро,
Ахтари саъда ҳалок ичра кезар гардун аро,
Англамок Жайхунда ул ой кема бирла сайр этар,
Ё хилолу меҳр аксин эл кўрар Жайхун аро..

Бундан ташқари, «Сабъаи сайёр» достонида Дилором билан боғлиқ воқеалар Хоразмда рўй берганини тасвирлайди. Хоразмликларнинг мусикага кизиқишларини, Дилоромнинг санъаткорларга, илму ижод аҳлига эътибор бериши ҳақидаги таъсирчан воқеалар баёнида, гўё Алишербекнинг қелинойиси — акаси Бахлулбекнинг рафикаси ҳақида сўз юритилгандек туюлади, қишига. Зеро, Навоийнинг қелини — укаси Дарвешалибекнинг хотини Офок бегим Балхда айнан «Сабъаи сайёр»даги Дилором сингари ижоду илм аҳлининг ҳомийси эди. Бундай ишларни, табиийки, Хоразмдаги қелинойиси ҳам амалга

ошираётганди.

Шунингдек, Навоий хазратлари «Мажолис-ун нафоис», «Насойим-ул мухаббат», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарларида Хоразм адабий мухити, ижодкорлари хақида ҳам сўз юритилади. Хожа Абдул Вафоий Хоразмий, Мавлоно Хусайн Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Пахлавон Махмуд, Сулаймон Бокиргоний, Рабгузий сингари хоразмлик ижодкорларга Навоий хазратлари алоҳида меҳр қўйган эди.

Хондамирнинг «Макоримул ахлок» асарида ёзилишича, «Бир вақтда Султон (Хусайн Бойкаро) Хоразм вилоятини обод қилиш ва унга бинолар қуриш ҳаёлига тушиб, бинокорлик ва дехкончилик ишларига яхши аҳамият бериб ҳаракат қилишлари ва жойланиб туришлари учун Хуросондан уч минг хонадонни Хоразмга қўчириш ҳақида мажбурий буйруқ чиқарди».

Табиийки, уч минг хонадонни Ватанидан жудо қилиш яхши эмаслигини англаган Навоий дўсти Хусайнга бундай ишнинг нотўғрилиги ҳақида тўққиз бор арз қилди. Ўзинчи бор арз қилганида Бойкаро факат минг хонадоннигина Хоразмга қўчиришга амр қилди. Навоий ўтроклашган хуросонликларни Хоразмга мажбурий қўчиргандан кўра, XIV асрнинг 80-йилларида Хазорасп ва Хивадан Хиротга қўчиртириб келинган наққош, меъмор, хунаромандларни ўз эллари — Хоразмга юбориш зарурлигини уқтириб, дўсти Бойкародан бу ҳақда фармон чиқартириб олди.

Хуллас, Навоий хазратлари хоразмликларга меҳр билан қараб, улар ҳақида қайғурди, асарларида мафтункор ўлкани марок билан тасвирлади. Негаки, Хоразмда ақаси, жиянлари яшар, қариндошлик ришталари узоқдаги воҳа билан боғланган эди. У Хиротдаги ижод, давлат ишлари, тадбиркорлигу бунёдкорлик фаолияти сабабли Хоразмга бора олмас, аммо доимо ақаси, жиянлари ёнига боришни орзу қилиб юрарди. Афсуски, бу орзулар армон бўлиб қолди.

Умид Бекмуҳаммад